

Тошкент молия институти
доценти О.Кулжанов
Тошкент молия институти
магистранти Ш.Ибрагимов

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТАРМОҒИДА ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада қишлоқ хўжалик тармоғини ташиқил этилишининг долзарб муаммолари тадқиқ қилинган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиғи, деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиғи, фермер хўжалиғи, қишлоқ хўжалиғи фаолиятини амалга оширувчи ташиқилот, қорамол, сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари.

Аннотация: В статье исследованы актуальные проблемы организации сельскохозяйственных отраслей и разработаны научные предложения по их решению.

Ключевые слова: Сельско хозяйство, дехканское хозяйство, фермерское хозяйство, организация, осуществляющая сельскохозяйственную деятельность, крупный рогатый скот, молоко и молочные продукты, мясо и мясные продукты.

Annotation: The article examines the current problems of the organization of agricultural industries and develops scientific proposals for their solution.

Key words: Agriculture, peasant farming, farming, organization engaged in agricultural activities, cattle, milk and dairy products, meat and meat products.

Кириш

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастурида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек қадоклаш буюмларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган, қайта ишловчи янги корхоналарни қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш вазифасининг қўйилганлиғи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини этиштиришни қўпайтириш долзарб масала эканлиғидан далолат беради.

Сўнгги даврларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кенг кўламда етиштирилиши муносабати билан қишлоқ хўжалик корхоналарига бўлган талаб сезиларли даражада ошди. Бу эса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини нафақат етиштириш, балки уларни сифатли етиштириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Айни вақтда, республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Малакали кадрларнинг етишмаслиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўналишининг ривожланмаганлиги, тармоқ йўналишлари бўйича хом ашё ва материалларнинг етишмовчилигининг мавжудлиги бу борадаги долзарб муаммолардан саналади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш масаласи бир қатор ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва тегишли илмий-амалий хулосалар шакллантирилган.

К.Уразовнинг фикрига кўра, чорвачилик деҳқончилик сингари қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ олдида турган бош вазифа бўлиб аҳолини гўшт, сут, тухум, балиқ ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқариш корхоналарини чорвачиликдан олинадиган хом ашё ва материаллар билан таъминлаш ҳисобланади.

Чорвачилик тармоғи ўз ичига қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик, паррандачилик, йилқичилик, пиллачилик, асаларичилик, балиқчилик, пиллачилик ва бошқаларни олади.

С.Воҳидовнинг хулосасига кўра, чорвачиликнинг ҳар бир тармоғи, ўз навбатида, турли гуруҳларга бўлинади. Чунончи, Республикамизда кенг тарқалган чорвачиликнинг алоҳида тармоқлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Қорамолчилик

а) Сут йўналишида:

- асосий пода
- ёш ва боқувдаги моллар

б) Гўшт йўналишида:

- асосий пода ва саккиз ойгача бўлган моллар
- саккиз ойдан катта буқалар ва боқувдаги моллар

2. Қўйчилик

а) Гўшт йўналишида

- асосий пода ва саккиз ойгача бўлган қўйлар
- саккиз ойдан катта қўчқорлар ва боқувдаги қўйлар.

Юқорида қайд этилган фикрлардан кўриниб турибдики, Республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш ривожланаётган мамлакатлар учун мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди.

Таҳлил ва натижалар.

Қишлоқ хўжалик тармоғи Республикамиз иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлиб келган ва у шундай тармоқлардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг негизида турли сабаблар ётади. Чунончи:

биринчидан, республикамиз аҳолисининг 60 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигини қишлоқ жойларда яшовчи аҳолини иш билан таъминлайдиган асосий соҳа эканлигини билдиради;

иккинчидан, мамлакатимизнинг иқлим шароити ва табиий ресурслари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тез етиштириш имконини беради;

учинчидан, 33 миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган республикамизда одамларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб ҳал этиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади;

тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги мамлакатимизнинг кун сайин ривожланиб бораётган енгил ва озиқ овқат саноати тармоқлари корхоналарини арзон ва сифатли маҳаллий хом- ашё ва материаллар билан таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланади.

бешинчидан, республикамизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпчилик тури бошқа мамлакатларда етарлича эмаслиги, қишлоқ хўжалигини нафақат ички мақсадларда, балки экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган тармоққа айлантириш имконини беради.


Қишлоқ хўжалиги тармоғини республикамизда ривожлантириш сабаблари ва имкониятлари кўпгина манбаларда ёритилган.

Режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётга ўтиш республикамизда қишлоқ хўжалик тармоғининг қуйи бўғинини ташкил қилувчи субъектларнинг ташкилий ва ҳуқуқий мақомида турли ўзгаришларга олиб келди. Илгарилари асосан давлат ва жамоа хўжаликларида иборат бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари мустақиллик йилларида кўп ўзгаришларни ўз бошидан ўтказди. Чунончи, давлат хўжаликлари тугатилди, уларнинг ўрнига ширкат хўжаликлари, қишлоқ хўжалик кооперативлари, агрофирмалар, деҳқон-фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари, шунингдек уларнинг уюшмалари ташкил қилинди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тармоғини ислоҳ қилиш борасидаги ҳозирги сиёсати негизида энг устувор йўналиш сифатида ерни деҳқонларга, фермерларга бериш, шу асосда деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликларини


ривожлантириш ётади. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги тармоғида деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари, фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар хизмат кўрсатмоқда.

Хўжаликларнинг тоифалари бўйича 2017 йил маълумотларини таҳлил қилганимизда қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни 100 фоиз ҳажм деб оладиган бўлсак, умумий ҳажмнинг 63,6 фоизи – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида, 34,7 фоизи – фермер хўжаликларида, 1,8 фоизи – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда (1-расм).



1-расм. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши ҳудудлар кесимида, фоизда


2017 йил 1 январ ҳолатига, республиканинг барча тоифадаги хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 12181,4 минг бошни (2001 йил 1 январ ҳолатидаги умумий бош сонига нисбатан 2,3 марта кўп), шу жумладан сигирлар – 4217,3 минг бошни (180,0 фоиз), қўй ва эчкилар – 19697,9 минг бошни (2,2 м. кўп), паррандалар – 67,0 минг бошни (4,6 м. кўп) ташкил этди (2-расм).



2-расм. 2001-2017 йилларнинг 1 январ ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони (минг бош)¹

Таҳлил ва натижалар.

Юқоридаги маълумотларни кўриб, гўшт ва гўшт маҳсулотлари ҳамда сут ва сут маҳсулотларининг ушбу йилларда мамлакат аҳолисига етиштирилишини кўриб чиқсак (3-расм).



3-расм. 2000-2016 йилларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган гўшт ва сут маҳсулотлари (кг)²

Республика аҳолисини гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш даражасининг оширилишига ҳукуматимиз томонидан қаратилган чоратadbирларнинг амалга оширилиши натижасида 2016 йилда 2000 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт 34 кг.га, сут 158 кг.га кўпайишига олиб келган.

Ҳозирги пайтдаги корхона ва фермер хўжаликлари истеъмолчи учун ишлайдилар, ўз товарлари билан талаб ва таклиф бозорида муносабатда бўладилар. Бозордаги нархларнинг товар қиймати атрофида ўзгариб туриши

¹ <https://stat.uz/uploads/docs/selhoz-yan-dekabr-2017-uz.pdf>

² <https://stat.uz/uploads/docs/selhoz-yan-dekabr-2017-uz.pdf>

корхона харажатларининг қанчалик тўғри белгиланганлигини кўрсатади. Баҳонинг таннархга нисбатан ноўрин тайинланиши корхонанинг фойда олиш имкониятини чегаралаб қўяди ва охир оқибатда банкротлик ҳолатига олиб келади. Бунда бозор иқтисоди шароитида харажатларни қандай тартибда сарфлашни, уни тежаш йўлларини оптимал вариантларини қидириб топишга рағбатлантиради, яъни ишлаб чиқариш бўлинмаларига маҳсулот етиштириш ҳажми, харажатлар миқдори, иш ҳақи даражаси белгиланиб, корхона ходимларининг манфаатдорлиги ва шу кўрсаткичларнинг бажарилишига боғлиқдир. Корхона ва фермер хўжаликларнинг бозорда муқаррар қолишини таъминловчи бирдан-бир восита харажатларни тўғри ҳисобга олишни ташкил қилиш ва маҳсулот таннархи тўғри аниқланишидир.

Бугунги кунда янгидан ташкил бўлаётган хўжалик юритувчи субъектлар, яъни ўрта ва кичик бизнес иштирокчилари бўлган фермер, деҳқон ва жамоа-ширкатларда ҳам таннарх аниқлаш ва харажатлар ҳисобини юритиш долзарб бўлиб, харажатлар ҳисоби корхона, фермер ва деҳқон хўжаликларини бошқаришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобининг зарурлиги, аҳамиятининг кундан-кун ошиши рентабеллик даражасининг ошишига олиб келадиган бирдан-бир тўғри воситадир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни бошқариш жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида харажатларни ҳисобга олишнинг турли хил усулларида фойдаланилади. Улар харажатлар тўғрисидаги ахборотларни қайта ишлаш бир қанча муаммоларни ечиш имконини беради. Табиий ресурслар чекланган шароитда хўжалик фаолиятининг мақсадига эришишда қилинган сарф-харажатларни ва олинган натижаларни солиштиришни талаб этади. Буни фақат сарф-харажат ва даромаднинг барча элементларини қийматли ҳисобини татбиқ қилиш орқали амалга ошириш мумкин. Ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва тайёрлаш харажатларидан бошлаб то маҳсулот тайёр ҳолда тайёр маҳсулот омборига қабул қилингунгача бўлган харажатлар йиғиндисидан иборатдир.

Ҳақиқатдан ҳам харажатларни аниқ бир тартибда туркумлаб уларнинг хусусиятини аниқламасдан маҳсулот таннархига қўшиб бўлмайди. Юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда харажатларни аниқ туркумлаш ва ҳар бир харажат маҳсулот таннархининг қайси калькуляция моддасига киришини ажратиб чиқиш зарур. Бизнинг фикримизча, таннарх иқтисодий категория бўлиб қуйидагича аниқланади. Таннарх қийматнинг бир қисmini ташкил қилувчи, унда корхонанинг харажатларини пул кўринишида акс эттириб, ишлаб чиқариш айланма маблаҳлари, авансланган меҳнат ҳақи фондида миқдор жиҳатдан тўғри келадиган иш ҳақи, жамият миқёсидаги соф даромад бўлган ижтимоий суғурта ва қўшимча маҳсулотнинг элементларидан иборатдир. Қишлоқ хўжалиги

махсулоти таннархининг даражаси нафақат ишлаб чиқариш харажатларининг ҳажми, ташкил қилиниши ва ишлаб чиқариш технологияси, чорва молларининг маҳсулдорлик даражаси, қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилдорлиги ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб қолмасдан, яна маҳсулот таннархига қўшиладиган ишлаб чиқариш харажатлар таркибининг қанчалик илмий асосланганлигига боғлиқдир.

Бухгалтерия ҳисобини оқилона ташкил этиш ва аниқ ўз вақтида олиб бориш қишлоқ хўжалиги корхоналарида бошқаришнинг воситаси ҳисобланиб, ресурслардан тежаб фойдаланиш харажатлар сарфини пасайтириш, резервларини тўлароқ аниқлаш ва маҳсулот таннархини тўғри ҳисоблаш имкониятини тухдиради. У хўжасизлик ва нобудгарчиликка қарши кураш олиб боришда кучли курол бўлиб, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга ва хўжалик фаолиятини самарадорлигини оширишга катта ёрдам беради. Бошқарув ҳисобида (ишлаб чиқариш ҳисоби)да ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилган хизматнинг баҳосини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Нотўғри олиб борилган баҳо сиёсати корхоналарни тезда инқирозга олиб келади.

Баҳо сиёсати корхонани бошқариш фаолиятида муҳим бир йўналишларидандир, бунга ўтказиш натижасида корхона фойдаси ва маҳсулот сотишнинг у ёки бу ҳажми таъминланади. Баҳони шакллантиришнинг мақсади ва усулларига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқариш ҳисоби турли вазифаларни бажаради. Баҳо бу бозорда амал қилаётган нарса бўлиб, у товарларга бўлган талаб ва таклиф асосида ўрнатилади. Баҳо сиёсати деганда биз сотилаётган товарларга нафақат баҳо ўрнатишни тушунамиз, шунингдек ҳар хил бозор ҳолатини ва уларга турли омиллар таъсир шароитини баҳо билан бошқарамиз. Ишлаб чиқариш ҳисоби ишлаб чиқаришга кетган харажатларни бозор баҳоси қоплайдими ёки йўқлигини аниқлаб беради. Агар сотиш баҳосидан ишлаб чиқариш харажатларининг ҳажми катта бўлса, унда харажатларнинг камайиши йўллари кидириб топиш керак. Бозорга янгитдан чиқарилган товарларнинг баҳосини аниқлашда ишлаб чиқариш харажатлари асос бўлади, чунки бозорда товар баҳосининг таққослайдиган муқобили йўқ.

Харажатларни бевосита ва билвосита тартибда туркумларга ажратиш бир мунча ноаниқликка олиб келади. Чунки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда харажат объекти билан калькуляция объектлари ўртасида фарқ мавжуд. Бунда бир неча маҳсулот турларига харажатлар бевосита олиб борилмайди, яъни харажатлар аввало йиғилиб, маҳсулот турлари ўртасида тақсимлаб юборилади. Натижада бевосита деб ҳисоб оладиган харажатимиз билвосита (тақсимлаш йўли билан) шаклида вужудга келади. Агар бевосита харажатлар шаклида ҳисобга олишни қўллайдиган бўлсак, маҳсулот таннархини калькуляция қилишни инкор қилган бўламиз.

Хулоса ва таклифлар.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда харажатларни бевосита ҳамда билвосита туркумига ажратилиши маҳсулот таннархини калькуляция қилинишининг моҳиятини тушуради. Шунинг учун харажатларни маҳсулот таннархига қўшиладиган ва қўшилмайдиган туркумларга ажратиш таннарх ҳисоблашнинг моҳиятини яққол очиб беради.

Биз тадқиқотимиз натижаларига асосланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулоти яъни сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш бўйича қуйидаги тавсияларни бердик. Харажатларни қуйидаги белгилар бўйича туркумлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти бўлган умумий харажатлар. Ушбу харажатлар хўжаликнинг молиявий натижасига ва солиқлар миқдорига таъсир этади.

- Харажатларни маҳсулотни ишлаб чиқаришга таъсир этиши бўйича туркумлаш. Ишлаб чиқариш харажатлари тўғри ва реал туркумларга ажратилмас экан, ички резервни топиш ҳам аниқ йўналтирилмайди.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда ишлаб чиқариш харажатлари ўз вазифасига қараб харажат элементлари ва калькуляция моддаларига бўлинади. Уларда харажатларни элементлар бўйича гуруҳлаш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий мазмунига кўра тутган ўрнини аниқлаш ва бизнес режаларини тузиш учун хизмат қилади. Калькуляция моддалари бўйича гуруҳлаш маҳсулот таннархини ҳисоблашда ҳамда таҳлил этишда муҳим ўрин эгаллайди.

Умуман харажатларнинг илмий асосда туркумланиши уларни тўғри ҳисобга олиш ва таҳлил қилишни енгиллаштиради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли фармони. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида.//ҚҲММБ:06/18/5308/0610-сон.
2. Ўразов К., Воҳидов С. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. /Дарслик. –Т.: ТДИУ нашриёти, 2011. -237 б.
3. Воҳидов С. ва бошқалар. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари/Ўқув қўлланма. –Т.: “Адиб нашриёти”, 2011. – 496 б.
4. Санаев Н.С. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. – Тошкент: “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси”, 2006. -145 б.
5. Дўстмурадов Р., Машарипов О. Фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш. Ўқув қўлланма – Тошкент, 2007. -94 б.
6. Ортиқов Х., Югай Л., Тухсанов Н., Хужабеков Н. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига шарҳлар тўплами. Тошкент «НОРМА» 2010.
7. Уткина С.А. Составление бухгалтерских проводок в организациях разных отраслей: практ. пособ. – М.: Омега-Л, 2010. – 259 с.